

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР
ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ**

Улугбеков Зикриллох Санжарбек ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3 ўқув курс 310 гурӯҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада мавзунинг долзарблиги, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг оммавий тадбирларини ўтказиш жараёнидаги асосий вазифаларини ва ушбу вазифаларни амалга ошириш давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларни, оммавий тадбирлар давомида юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, ушбу ҳуқуқбузарликларни олдини олиш жараёнида жамоатчилик иштироки, оммавий тадбирларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга оид чора тадбирлар, ушбу фаолиятдаги муаммо, шунингдек, айрим турдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар ва тавсиялар, юқорида келтириб ўтилганлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолияти самарадорлигини такомиллаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

Annotation: The relevance of the research topic in this dissertation, the main tasks of law enforcement inspectors in the process of conducting public events and the problematic situations that may arise during the implementation of these tasks, measures to prevent violations during the event, prevention of these violations public participation in the process, measures to maintain and ensure public order at public events, the legal framework for the protection of victims of offenses committed during public events, procedural documents within the activities of the inspector of prevention, the problem of this activity, as well as some shortcomings A number of recommendations on how to improve this activity, using the above aspects, are highlighted.

Аннотация: Актуальность темы исследования в данной диссертации, основные задачи инспекторов правоохранительных органов в процессе проведения массовых мероприятий и проблемные ситуации, которые могут возникнуть при реализации этих задач, меры по недопущению нарушений при проведении мероприятия, профилактика этих нарушений участие общественности в процессе, меры по охране и обеспечению общественного порядка на массовых мероприятиях, правовые основы защиты потерпевших от правонарушений, совершенных на массовых мероприятиях, процессуальные документы в рамках деятельности инспектора профилактики, проблемы данной деятельности, а также некоторые недостатки. Выделен ряд рекомендаций по совершенствованию данной деятельности, используя вышеуказанные

аспекты.

Бугунги кунда хуқуқбузарликларни олдини олиш хамда хуқуқбузарликларга қарши кураш, унинг сабаб ва шароитларини аниқлашда қўп жихатдан профилактика инспекторининг фаолиятида хуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш қай даражада самарали амалга оширилишига боғлик бўлиб турганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, профилактика инспекторининг оммавий тадбирлар ўтказиш ва ташкил этиш жараёнида жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги ваколатлари янада ислоҳ қилиниб, амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларидаги оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш борасида янада янгича ва замон талабларига мос бўлган чора тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Профилактика инспекторлари оммавий тадбирларни ўтказиш ва ташкил этиш жараёнида соҳавий хизматлар хамда бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан, шунингдек, жамоатчилик ташкилотлари хамда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари билан хамкорликни йўлга қўйиб, оммавий тадбирлар ўтказиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хуқуқбузарликлар ва жиноятларни барвақт олшдини олиб, фуқароларни оммавий тадбирларда тўла тўкис иштирок этишини хусусан, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хафвсизлигини таъминлаб келмоқда.

Бугунги кунда оммавий тиадбирлар ўтказиш ва ташкил этиш жараёнида ташқи ва ички омиллар таъсири ҳам кундан-кунга қучайиб бормоқда. Айниқса, оммавий тадбирлар ўтказиш жараёнида турли шахсларнинг нотўғри қарашлари оқибатда оммавий тартибсизликлар юзага келмоқда. Бундай ҳолатларни олдини олишда худуддаги криминоген вазиятни ўрганиб уни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни ташкилий-хуқукий тартибга солиш, камчилик хамда муаммоларни ўрганишга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, оммавий тадбирлар вақтида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний омиллар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган тартибсизликлар, ноқонуний митинг ва кўча намойишлари каби мураккаб жараёнларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, мазкур омиллар натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ижтимоий ҳавфнинг олдини олиш ва оммани бошқаришнинг илмий асосланган самарали мезонларини ишлаб чиқиш, жамоат тартиби ҳамда фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш даражасини ошириш билан боғлик муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги ривожланиб бораётган даврда бутун дунёда жумладан, республикамизда ҳам оммавий тадбирлар ўтказиш ва ташкил этиш жараёнида ҳуқуқбузарликлар хамда жиноятларни содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берайдан шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Конституциямизда белгиланган қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим кафолатидир”.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси. Тошкент 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги (2014-йил 29-июль) 205-сон қарорИ
3. <http://lex.uz> (Национальная база законодательства Республики Узбекистан)
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори// URL: [http://www.lex.uz.;](http://www.lex.uz.)